ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 107 (10.412) | 2005 ЙИЛ 3 ИЮНЬ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## *ҚАРОРИ*

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Ахборот ва компьютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишни янада кенгайтириш мақсадида:**

1. Тошкент Ахборот технологиялари университети ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида Тошкент Ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида, Тошкент ислом университетида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш сақлаб қолинсин.

2005/2006 ўқув йилидан бошлаб бошқа барча олий таълим муассасаларида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилсин ва ушбу йўналиш бўйича таълим олаётган 2-4-курсларнинг талабалари, 1-иловага мувофиқ, белгиланган тартибда таълимни давом эттириш учун Тошкент Ахборот технологиялари университетига ва унинг минтақавий филиалларига ўтказилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича)» йўналишида бакалаврлар тайёрлаш бўйича 2005/2006 ўқув йилига қабул квоталари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар:

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг ходимлар чекланган сони 390 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 72 нафар бўлган ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиалларининг намунавий тузилмалари 4-ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Тошкент Ахборот технологиялари университети филиалларини очиш, уларни жойлаштириш ва моддий-техник жиҳозлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш учун 6-иловага мувофиқ таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

икки ҳафта муддатда Тошкент Ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университетининг амалдаги Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Давлат тест маркази билан биргаликда 2005/2006 ўқув йилида Тошкент Ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиалларига талабалар қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрсин.

8. Тошкент Ахборот технологиялари университети бир ой муддатда таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича)» йўналишида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга бўлган талаб-эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда филиалларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тошкент Ахборот технологиялари университети учун 2005 йилга тасдиқланган бюджет маблағлари миқдорига тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университетида ва янги ташкил этиладиган минтақавий филиалларда таълимни ташкил этиш учун зарур бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда топширилаётган бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, шунингдек зарур ўқув лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун 2005/2006 ўқув йили бошланишига қадар амалга оширилишини назарда тутган ҳолда маблағлар ажратилишини кўзда тутсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 2 июнь.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## *ҚАРОРИ*

## 2005/2006 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, замонавий компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари учун олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида:**

1. 2005/2006 ўқув йилида:

бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 51175, шу жумладан 19975 давлат грантлари ва 31200 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлансин;

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 6200, шу жумладан 1500 давлат грантлари ва 4700 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлансин;

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул квотаси 5065, шу жумладан 1265 давлат грантлари ва 3800 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 3-иловага мувофиқ тақсимлансин.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Маънавият куни дастури доирасида Юртбошимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» номли китобининг талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчилар орасида кенг ўрганилиши бошланди.**

**• Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида Бойсун туманидаги 12-Меҳрибонлик уйида «Биз— Президент фарзандларимиз» номли катта байрам тадбири ўтказилди.**

**• Нукус шаҳрида болаларни соғломлаштириш маркази ҳамда замонавий андозалар асосида қурилган Аквапарк фойдаланишга топширилди.**

**• Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуасида самбо юлдузлари (эркаклар ва аёллар) ўртасида жаҳон чемпионати, катталар, ёшлар, ўсмирлар ва қизлар ўртасида эса Осиё очиқ чемпионати бошланди.**

**• 1 июндан бошлаб мамлакатимизда санитария, гигиена ва экологик маданият ўн кунлиги бошланди.**

**• Жиззах вилояти фермерлари шу йилнинг ўзида лизинг асосида 45 та трактор сотиб олишди. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик компаниясининг вилоят бўлими йил охиригача яна 50 та шундай тракторларни етказиб бериш юзасидан фермерлар билан шартнома тузди.**

### Жаҳонда

**• Шимолий Осетия Республикаси Президенти Александр Дзасохов вазифасидан кетишини маълум қилди. Маълумотларга кўра, Президент давлат раҳбарлигидан ўз хоҳиши бўйича кетмоқда ва бу лавозимни ёш кадрлар учун қолдираётган экан.**

**• Кўп миллатли Босния ҳарбийлари олти ойлик миссия билан Ироққа келиб тушди. 36 нафар хорват ва босния мусулмонларидан иборат ҳарбийлар Фаллужадаги базага жойлаштирилган.**

**• Американинг NASA космик агентлиги Юпитер сайёрасини ўрганиш ишларини бошлаб юборди.**

**• Seiko Watch u Seiko Epson компанияси Швейцариянинг Базел шаҳрида ташкил этилган заргарлик буюмлари-соатлар кўргазмасида қўл соатлари борасида ўзининг янги ишланмасини намойиш этди. Ушбу қўл соатида циферблатлар ҳам, суюқ кристаллардаги дисплей ҳам йўқ. Улар ўрнида электрон қоғоздан тайёрланган дисплейдан фойдаланилган.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туман Марказий кутубхонасида "Бектемир" маҳалласи фаоллари, китобхонлар иштирокида бўлиб ўтган маънавий-маърифий давра суҳбати "Биз билмаган экологик тарбия" деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш — давр талаби" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни Сергели туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида меҳрга ташна беш нафар ногирон қизларга ногиронлик аравачаси туҳфа этилди, уйда таълим олаётган ўқувчилар ҳолидан хабар олиниб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

● **ЎТГАН** куни "Динамо" спорт мажмуида ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир "Ёшлар — терроризмга қарши" деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Тошкент Давлат юридик институтида "Профессионализм — Қонунчилик палатасининг асосий тамойили" мавзуида уюштирилган давра суҳбатида талабалар, профессор-ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Сергели туманидаги Бахт уйида туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИҲнинг туман бўлимлари ҳамкорликларида тумандаги меҳрга ташна болажонлар учун хайрия концерти ташкил этилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 271-мактабда ўтказилган "Ҳушёрликка даъват" мавзуидаги тадбирда "Кулолқўрғон" ҳамда "Шодлик" маҳаллалари фаоллари терроризм ва диний экстремизмнинг мудҳиш оқибатларини кескин қоралашди, ҳамюртларимизни ҳамжиҳат бўлишга чақиришди.

● **"ОЙМОМА"** боғида Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида 9-14 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг енгил атлетика тури бўйича мусобақа ўтказилди.

● **ЯНГИ** Сергели маданият ва истироҳат боғида Сергели туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида туман ёшлари ўртасида шахмат, шашка, футбол, волейбол бўйича спорт мусобақалари уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# 2005/2006 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

2. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли олий таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича қабул квотасини таълим тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида умумий қабул квотаси 60 кишидан иборат икки йиллик махсус Олий журналистика курсларини очсин.

Белгилансинки:

Олий журналистика курсларига бошқа йўналишлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ўз ижодий қобилиятини кўрсатган мутахассислар танлов асосида қабул қилинади;

Олий журналистика курсларида ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

Олий журналистика курслари битирувчиларига ўқиш якунида «журналистика» мутахассислиги бўйича магистр даражаси ва белгиланган намунадаги диплом берилади.

4. 2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат комиссиясига (Р.С.Қосимов), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасига қабул қилиш тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган умумий қабул квоталари доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда:

2005/2006 ўқув йилидан бошлаб барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари битирувчиларини мажбурий тартибда камида уч йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш амалиётини жорий этсин;

Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005/2006 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда махсус сиртқи бўлимларга белгиланган қабул квотасини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорига 9-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 26 февралдаги 88-сон қарори 2-бандининг учинчи ва тўртинчи хат боши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 2 июнь.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА БРИФИНГ

**Шу йилнинг 2 июнида Ташқи ишлар вазирлиги Қабуллар уйида Андижон шаҳридаги воқеалар юзасидан хорижий журналистлар ва дипломатик корпус вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири Э.Ганиев қуйидагиларни маълум қилди:**

**Биринчи.** Андижон шаҳрида 13 май воқеалари содир бўлиши биланоқ уларни бир неча маротаба, қўпол ва мунтазам равишда бузиб кўрсатишга уринишлар бўлди.

Жумладан, ҳатто шундай овозалар ҳам тарқатилдики, гўё Ўзбекистон Республикаси Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси вакилларини киритмаётган ёки Интернет тармоғига уланишни чеклаб қўйган эмиш.

Ўзбекистон Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси вакиллари билан ҳамиша мунтазам ва изчил алоқада бўлиб келган. Қизил Хоч вакиллари ўзларини қизиқтирган объектларга бориш учун тегишли тартибда мурожаат қилган ҳолларда уларга нисбатан ҳеч қандай чекловлар бўлмаган.

Интернет масаласида шуни таъкидлаш кераки, бу ҳақдаги уйдирмалар мутлақо ақлга сиғмайди. Бугун Интернет тармоғидан фойдаланишни чеклашнинг иложи йўқ. Замонавий ахборот технологиялари асрида Интернет тармоғига бирон-бир йўсинда тўсиқ қўйиш ҳақида гапиришнинг ўзи чаласаводликдан бошқа нарса эмас.

**Иккинчи.** Андижон воқеалари бўйича «халқаро мустақил комиссия» тузиш хусусида.

Бу борада биз ўз позициямизни аниқ баён этганмиз ва бундан сиз яхши хабардорсиз.

Сизларга шуни маълум қилмоқчиманки, ўжарлик билан қўйилаётган бундай талабларга жавобан Ўзбекистон томони, ЕХҲТ минтақада барқарорлик таъминланишидан манфаатдор бўлган ягона ташкилот эмас, деб ҳисоблайди. Агар шундай зарурат бўлса, вазиятни холисона баҳолаш ва воқеалар ривожини кузатиш учун Ўзбекистон Тошкентда аккредитация қилинган хорижий давлатлар, жумладан АҚШ, Франция, Россия ва Хитой, шунингдек, минтақамизга бевосита яқин мамлакатлар элчихоналари вакилларидан иборат ишчи гуруҳини тузишни таклиф этди. Бу гуруҳ олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари мониторингини амалга оширади.

Бизнинг бундай таклифимизнинг моҳияти нимада?

**Биринчидан,** бундай мониторингни амалга ошириш зарурати туғилса, назорат холис бўлиши керак.

**Иккинчидан,** унда нафақат ЕХҲТга аъзо мамлакатлар, балки ушбу минтақада барқарорликнинг таъминланиши ва мустаҳкамланишидан бевосита манфаатдор давлатлар ҳам иштирок этиши зарур. Гап, аввало, энг яқин қўшниларимиз, минтақамизга бевосита яқин жойлашган мамлакатлар ҳақида бормоқда.

Шунингдек, Э.Ганиев вазиятни холисона баҳолаётган ва шу орқали минтақадаги аҳволни барқарорлаштиришга ўз ҳиссасини қўшаётган мамлакатлар, оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларига миннатдорлик билдирди.

Жумладан, у Россия ташқи ишлар вазири С.Лавровнинг Андижон воқеалари хусусида Владивостокда берган баёнотига эътиборни қаратди. С.Лавров: «Бизда бу ишга диний экстремистлар, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» тузилмалари ва айрим чечен террорчиларининг даҳлдорлиги ҳақида маълумот бор», деб таъкидлади.

Бу баёнот кўп нарсадан далолат беради...

**ЎзА**

**Шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ» савдо-кўргазмалар марказининг марказий павильонида «Қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши муҳофаза» (CAIPS- 2005) 1-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси давом этмоқда.**

*Кўргазмалар*

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЎРНАТИЛМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Республика Савдо-саноат палатаси қўллаб-қувватлаши остида «ITE Uzbekistan» компанияси томонидан уюштирилаётган кўргазмада Ўзбекистон, Россия, Германия, Туркия, Қозоғистон мамлакатларидан кўплаб корхона, фирма, компанияларнинг маҳсулотлари кенг кўламда намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан ўрин олган замонавий ёнғин хавфсизлиги тизимлари, қўриқлаш сигнализацияси, махсус кийим-кечаклар, авария-қутқарув жиҳозларига назар ташлар эканмиз, унда айниқса Россия фирмалари иштироки кенг даражада ташкил этилганлигини кўрамиз.

Аввалги кўргазмалардан фарқли ўлароқ, бу гал қўриқлаш, ёнғин хавфсизлиги ва антитеррор жиҳозларининг энг яхши инновацион лойиҳасини аниқлаш юзасидан танлов ҳам ўтказилмоқда.

Илк бор ташкил этилаётган «Қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши муҳофаза» халқаро кўргазмаси маҳаллий ва хорижий компанияларга нафақат ўз маҳсулот ҳамда анжомларини кўрсатиш, балки ҳамкасблари билан жипс алоқалар ўрнатиш, турли мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳам кенг замин яратади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: кўргазмада замонавий хавфсизликни таъминлаш воситалари намойиш этилмоқда.**

**Наталья Семёнова олган сурат.**



КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

# РУСТАМ ҲАМРОҚУЛОВ БИСОТИДАН

Катта ариқдаги сувда оқиб келаётган тўрт яшар болани кўрган бир одам дарров уни олиб, оёғини осмонга қилиб, ҳушига келтирди.

— Болакай яхшиям кўриб қолдим, соғ-омон қолдинг, — деса, болакай нима дермиш денг:

— Раҳмат тоға. Илоё сизни ҳам дадам қуритсин.

— Ие, оббо, оғзингда замбарагинг борми, кимнинг ўғлисан?

— Мамарайим тажангнинг ўғлиман.

Қаранг, ҳатто дадасининг лақабигача билади-я, болани олиб бориб уйига қўйиб келса, кетма-кет Мамарайим тажанг ҳам келибди. Ҳалиги одам ўйлабдики, ўғлини қутқарганим учун менга тўн кийгизса керак, шунга келгандир, деб:

— Ҳа, ака қўйинг, бир ердаги одаммиз, менинг ўрнимда бошқа бўлганида ҳам шу ишни қиларди, — деса, Мамарайим тажанг дермиш:

—Ҳеч қанақанги овoрагарчилиги йўқ, боламнинг яп-янги дўпписи қани, ё уни олмай сувга оқизиб юбордингми?

* * *

Бир бўри ўлжа излаб қишлоққа тоғдан тушибди. Қараса, олдидан бир қўзичоқ чиқиб келаётганмиш.

— Ҳа-а, сени ейман, дебди бўри.

— Кошки эди, — дебди қўзичоқ. — Ўзим ҳам сизни қидириб юргандим. Фақат, бир илтимос, мени ейишдан олдин битта ашула айтиб берсангиз. Ширин овозингизни эшитиб роҳатланиб ўлсам.

Бўри жон-жон деб, кўзларини юмганича катта ашуладан бошлабди... Бир маҳал ашулани тугатиб бундоқ кўзини очиб қараса олдида қўзичоқ йўқ эмиш, жуфтакни ростлаб қолибди. Шунда бўри пешонасига шап этказиб уриб:

— Касбингку қассоб эди-я, нима қилардинг отарчилик қилиб, — дебди.

* * *

Рустам Ҳамроқулов ҳангомасига ўхшатма:

Дарёнинг нариги бетида ўтлаб юрган қўзичоқ дарёнинг бу бетида ўлжа излаб юрган бўрига кўзи тушиб ўдағайлабди.

— Ҳой, менга қара, агар зўр бўлсанг бу томонга ўт. Абжағингни чиқариб қўймасам отимни бошқа қўяман.

Қўзичоқнинг бу сўзини эшитган бўри ҳанг-манг бўлиб ундан сўрабди:

— Кимга гапиряпсан бу гапни?

— Кимга бўларди сенга гапиряпманда...

Аламзада бўри эртасига кўприкдан ўтиб қўзичоқ ўтлайдиган маконга келиб, унинг ўтловга чиқишини пойлаб ётибди. Қўзичоқ далага чиққач, бўри пусиб бориб уни маҳкам тутибди. Қўрқиб кетган қўзичоқ бўрига илтижо билан тикилиб.

— Гуноҳим не жаноби олийлари? — деб сўрабди.

— Кеча мен ҳақимда нима деган эдинг?

— Нима дедим, эсимда йўқ.

— Менга зўравонлик қилдинг-ку.

— Кечирасиз жаноби олийлари. Мастликда билмай алжираб қўйган бўлсам керакда. Кеча кўпроқ отиб қўйган эканман...

# БУВАЙДАЛИК ЖИЯН

**(Йўлдаги ҳангомалар)**

Қўйиликдан келаётган эдим. Бир йигитча қўл кўтарди. Кейин битта қоғозни кўрсатди:

— Мени мана шу жойга олиб бориб қўйсангиз...

— Майли, ўтиринг.

Йигитча, афтидан, қишлоқдан — водий томондан эди. Худди шундай бўлиб чиқди — Бувайдадан экан, ҳозир келибди.

— Тошкентда тоғам бор, катта ишда, — деди йигитча ғурур билан. — Шуникига кетаяпман...

— Қишлоқда иш топиш қийин, — деди бир зумдан кейин йўловчим. — Тоғам мени яхши ишга жойлаб қўяди...

— Шунақамикин, — дейман мен ва йигитчанинг нақадар соддалигига ачинаман. Ахир, Тошкентдай шаҳри азимда ишга жойлашиш осон эканми? Бунинг учун аввало пропискадан ўтиш, қолаверса бирор маълумотга эга бўлиш керак. Бу йигитча эса буларни билмайди. У ширин хаёллар оғушида. Разм солсам унинг маълумоти ҳам, бирор аниқ касби ҳам йўққа ўхшайди. У машҳур "Қутлуғ қон"даги тоғаси Мирзакаримбойдан хом хаёллик билан паноҳ излаб келган Йўлчини эслатарди.

— Йўлчини биласизми? — деб унга савол бердим мен.

— Қайси Йўлчини?

— Мирзакаримбойнинг жиянинида.

— Қанақа Мирзакаримбой? Танимайман.

— Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романидаги-чи?

— Мен рўмон-пўман ўқимайман...

— Мактабда ўтгандирсизлар?

— Э, мактабни битирганимга беш йил бўлди...

Мен йигитчага Йўлчининг қишлоқдан шаҳардаги бой тоғасиникига иш излаб келганини, аммо мақсадига эриша олмаганини айтиб бердим.

— Менинг тоғам зўр, прокуратурада ишлайди, — деди йигит. — Ҳамма иш унинг қўлидан келади.

— Айтганингиз келсин, — дедим мен.

Кўп ўтмай у кўрсатган қоғоздаги манзилни топиб келдик. Аммо йигит безовталана бошлади:

— И-е, ҳеч нарса олмабман-ку? Тоғамникига қуруқ кираманми? Нима олиб кирсам экан, а?

— Ука, ҳув анув холангиз қурут сотиб ўтирибди, — дедим мен. — Шундан бир халта олинг-да, тоғангизникига олиб кираверинг...

— Қурут? Қурут... булармикин?

— Бўлади, — дедим мен. — Йўлчи ҳам тоғасиникига бир халта қурут олиб кирган, тоғасининг хотини жуда хурсанд бўлиб кутиб олган...

— Шунақами, ака?

— Шунақа шекилли, — деб йигитчани тушириб йўлга равона бўлдим мен.

Омадингизни берсин, бувайдалик жиян!

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

# ХАНДАЛАР

Битта отахонга журналист савол бериб дебди:

— Мана сиз темирйўл соҳасида 40 йил поездда йўл кузатувчиси бўлиб ишлабсиз, ҳозирда қанча нафақа олаяпсиз?

— Билмадим болам, ҳар доим беришганини олганман, сўраб олиб ўрганмаганман.

— Ия, қизиқмисиз отахон, ҳеч бўлмаса қанча нафақа оламан деб қизиқсангиз бўларди?

— Йўқ ўғлим борига барака, чунки қанча қизиқувчи билимдон йигитларимиз бор эди-я, ахир улар ҳар нарса билан қизиқишавериб, нафақага чиқишга ҳам улгуриша олмадилар-да, — дебди отахон.

* * *

Темирйўл кассаси олдига келган йўл кузатувчиси касса олдида навбатга турган отахонга юзланиб дебди:

— Урганчга борсангиз 4-вагонга чиқаверинг, сизни чиптасиз арзонроққа олиб кетавераман.

— Йўлда текширувчилар чиқиб қолишса-чи?

— Унда "Родной" отам дейман, — дебди йўл кузатувчиси ҳазиллашиб.

— Ростданми, ундай бўлса майли кетдик, ахир "Родной" отангдан йўлкира олмассана ўғлим, — дермиш отахон ҳазилга жавобан.

* * *

Вагон йўл кузатувчисидан битта йўловчи сўрабди:

— Амаки, чой қайнатмайсизми?

— Чойми, нариги вагонда қайнаяпти.

— Бизнинг вагонда-чи, қачон чой қайнайди?

— Нариги вагондагиларнинг чой ичгилари келиб қолганда.

* * *

Поездда Москва шаҳрига набирасиникига кетаётган отахон эрталаб йўл кузатувчига дебди:

— Шу 4 та тухумни плиткангда қайнатиб олсам.

Тушликда отахон яна 4 та тухум қайнатиб кетибди.

Шунда йўл кузатувчиси отахонга ҳазиллашиб, кечқурун ҳам келарсиз, дебди.

— Албатта ўғлим, сен ҳеч хавотир бўлма, тухум қиладиган товуқларимни ҳам ўзим билан олганман. Москва шаҳрига бориб қайтиб келгунча тухум қилади, "гарантияси" бор, — дермиш кулиб отахон.

**Аширбой РЎЗМЕТОВ**

**1990 йилда Ҳиндистоннинг Миднапор туманида яшовчи бир гуруҳ кишилар чакалакзорда ҳайвонсифат одам боласини учратишган ва унинг қаерда яшашини кузатиб билишгач, ўша жойни ўраб олишади. Бир пайт бўри инидан она бўри ва унинг болалари билан бирга икки ёввойи қизалоқ ҳам чиқиб келади ва одамларни кўриб, яна бўри болалари билан бирга инга кириб кетади.Одамлар унинг инини қазий бошлаганда она бўри уларни ҳимоя этиб, одамларга ташланади, уни отиб ўлдиришади.**

# БУ АЖИБ ДУНЁ

Инда бўри болалари билан бирга икки қизалоқ ҳам бир-бирини қучоқлаб ўтиришарди. Қизларнинг бири тахминан икки ёшда, иккинчиси эса 8 ёшларда эди, иккови ҳам тўрт "оёқ"лаб юрар, умуман гапиролмасди. Бир йилдан сўнг кичиги ўлиб қолди, каттаси одамлар орасида 9 йил яшади, холос. Шу давр мобайнида икки оёқлаб туришни, атиги бир неча сўз айтишни зўрға ўрганган.

* * *

Ҳиндистоннинг Ассам штатида овчилар урғочи қоплонни отиб ўлдиришади. Ўшанда унинг инидан нафақат қоплонлар, беш ёшли бола ҳам ушланган. Яқин қишлоқда эса унинг ота-онаси ҳам топилган. Отасининг айтишича, уч йил муқаддам, 2 ёшли ўғлини ўзи билан бирга далага олиб чиқади. Ўғли ухлаб қолгач, ўтлар устига ётқизиб қўяди-да, ишини давом эттираверади. Бир пайт орқасига қараса ухлаётган ўғлини қоплон тишида кўтариб, ўрмон ичида кўздан ғойиб бўлади. Шундан сўнг ота ўз ўғлини тирик кўрмаслигига ишонган эди. Бироқ воқеа бутунлай бошқача кечди: қоплон уни ўзига "ўғил" қилиб олган эди. Бу бола ҳам тўрт "оёқ"лаб юрарди, хом гўшт ерди. Қоплон сингари ириллар ва ёнига борган кишини қоплончасига тишлар эди. Фақат уч йилдан сўнггина икки оёқлаб туришни ва идишда овқат ейишни сал-пал ўрганган.

* * *

Турк оиласида туғилган бир қиз эса айиқлар билан роппа-роса 8 йил яшаган. Овчи тоғда айиқни отиб ўлдиради. Ўшанда овчининг устига айиқдай ўкириб, ёввойилашган қиз ташланади. Ҳайриятки, қиз кичкина эди, овчи уни тириклайин ушлаб олди. Қизни руҳий касалхонага ётқизишиб, даволашади. Ва фақат бир неча йилдан сўнггина у пиширилган овқат ейишга ўрганади.

**Марат КРЕПИН**

# ҲАЙФСАН

**Ҳажвия**

Мен чўмилгани бориб, сузишни билмаганимдан тасодифан чўкиб кетдим. Тўғри, одамлар қараб туришмади, қутқариб қолишди. Лекин буниси ҳам тасодифан бўлди. Ҳушимга келгач, қизиқсиниб сўрадим.

— Мен қаердаман?

Шунда одамлар:

— Жим, сизга гапириш мумкин эмас, — дейишди.

Мен тилимни тийдим, сўнг мени уйга жўнатишди.

— Боринг, — дейишди, —уйга бориб яхшироқ овқатланинг, қаттиқ азият чекибсиз.

Уйга келдим. Гўё мен нариги дунёдан тирилиб келгандек ҳамма хурсанд. «Бўпти» дедим қўл силтаб. Кейин ишхонамга қараб йўл олдим. Касаба уюшмаси раисига учрашмоқчи бўлгандим, хонанинг эшиги ёпиқ экан. Ичкаридан эса ғўнғир-ғўнғир овоз эшитиларди. Бутун вужудимни қулоққа айлантириб, диққат билан эшитдим. Мен ҳақимда гаплашишаётган экан.

— Афсус, ажойиб ўртоғимиздан жудо бўпмиз, — дерди кимдир.

— Бунинг учун энг аввало, сиз билан биз айбдормиз. Унга кўпда эътибор бермадик, ғамхўрлик қилмадик.

Янаям қулоғимни динг қилиб қулоқ солдим, бу гапларни касаба уюшмаси раиси гапираётган эди. Жуда илиқ, самимий сўзларни айтарди у менинг шаънимга. Ўзим ҳақимдаги чиройли гаплардан алланечук бўлиб кетдим. Қани энди, шунақа самимий гаплардан менинг ҳаётлигимда ҳам гапиришганида эди, деб ўйлардим. Сўнг яна кимдир сўз олди.

— У жуда ажойиб, олижаноб, меҳрибон, кўнгилчан одам эди, — деди у. — Ҳатто у менга бир вақтлари маош бериладиган кунгача 500 сўм қарз бериб тургани... Раҳматлик.

Шунда чидаб туролмасдан хона эшигини шартта очдимда, ичкарига кирдим. Ўтирганларнинг ҳаммаси ҳанг-манг бўлиб тошдек қотиб қолди.

— Ие, сен қаёқдан келиб қолдинг? Осмондан тушдингми ё ер остидан чиқдингми? Бизга сенинг чўкиб кетганинг ҳақида аниқ манбалардан хабар қилишгандику?

Мен бор гапнинг ҳаммасини уларга батафсил айтиб бердим. Гап орасида ўз ихтиёрим билан чўкиб кетмаганлигимни қистириб ўтдим. Ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулди. Кейин улар бараварига мени ўлмай қолганим билан астойдил табриклашди ва иш қолдирганим учун хайфсан эълон қилишди. Ана шунақа гаплар.

**Русчадан таржима.**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

● Бир ҳакимнинг ўз ўғлига насиҳат қилганлари:

— Эй ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон кичик деб санама. Одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, ундан сенга яхши фойдалар етади. Кучинг борлиги учун душманни ҳадеб эзаверма, пайт пойлаб, жонидан тўйгач, сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлғончи эканлигини билиб туриб, айтган гапида жон бордир деб ўйлаб, унинг гапига қараб иш тутма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма! Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик куни келиб ўзингга қайтишини эсдан чиқарма!

● Уч киши оғир азоб тортишга сазовордир. Биринчиси, бегуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши. Иккинчиси, таклиф этилмаса ҳам ўтиришда тўрга чиқишга интилган киши. Учинчиси, биров эшитишни истамаса ҳам, зўрлаб гапирган киши!

● Икки тоифа киши борки, бирор нарсани орзу қилади, аммо бунга етиша олмайди. Биринчиси, гуноҳ қилиб қўйиб, азобдан қутулмоқчи бўлган киши. Иккинчиси, ўз бойлиги билан дунёда ҳаловат топмоқчи бўлган бадавлат киши!

● Ҳар кимнинг ичи болалар ноғораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса халқум дарвозасини қиртишлайди.

● Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

**Сўз айтсанг сен**
**фақат фойдали сўз айт,**
**Бу билан жой олгин**
**элнинг дилидан.**
**Бўлмаса сўзламай**
**жим ўтир, чунки,**
**Инсонга не келса**
**келар тилидан.**

● Қадимий Юнон ҳакимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шаҳвордур эканини ва уни беҳуда сочиш одам учун путур эканини билмайдилар.

● Форс донишмандларидан Барзуя ал Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Ҳар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби муроса, сирнинг ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеълликда, дўстлик сабаби очиқ юзлиликда, жудолик сабаби азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуғлик сабаби тавозе.

## ҚАРИСИ БОР УЙ

Ҳовлимизда турли хил мева дарахтлари бор. Уларнинг парвариши билан ўзим шуғулланаман. Ишдан кейин уларга сув қуяман, тагини юмшатаман, оқлаб-кўклайман. Хуллас уларни соғлом сақлаш, серҳосил бўлиши учун тер тўкиб, атрофида парвона бўламан.

Бу йил айни баҳор чоғи дарахтларга ишлов берадиган пайт бетобланиб касалхонага тушиб қолдим. Ўзим билан ўзим овора бўлиб дарахтлар парвариши хаёлдан кўтарилди. Ҳатто келди-кетди набираларга ҳам улардан бохабар бўлиб туриш, баҳорий ишлов бериш ҳақида сўз очмадим.

Қаричилик, касалхонада узоқроқ ётиб даволанишга тўғри келди. Шифо топиб уйга қайтган кунимнинг эртасига болалар: «Яна бироз дам олинг, биратўла тузалиб қайтинг» деб қўярда-қўймай санаторийга жўнатишди. Шундай қилиб денг дарахтлар парваришига бу сафар мутлақо қўл тегмади.

Соғайиб уйга қайтсам, нав-ниҳоллар бир аҳволда. Болалар ўз иши билан овора бўлиб, уларга қарамаганлиги кўриниб турибди. Кеч бўлса ҳам қўлимга токқайчини олиб, уларнинг ҳар томонга тарвақайлаб кетган бачки шохларини тартибга келтира бошладим. Набирам Беҳзод ҳаракатимдан норози бўлиб:

— Бобо, ҳозир шу зарилми сизга, ўзингиз шу бугун соғайиб қайтган бўлсангиз, уриниб нима қиласиз, — деди.

— Бўтам, ахир дарахтнинг ҳам жони бор. Унга мен қарамасам, сен қарамасанг, вақтида керакли парвариш қилмасак у ҳам касалга чалиниб қолади-да, десам у:

— Чалинса чалинар, нима дарахт одамдан азиз бўптими, — деди.

Бола-бола-да. Бўлмаса шу гапни айтармиди? Ахир ҳар бир дарахт мевасининг инсон учун ўзига хос фойдали хусусияти борлигини, у баъзан киши танаси учун ҳар қандай дори-дармондан афзаллигини у қайдан билсин.

Унга шу ҳақда айтганимда набирам ўйланиб қолди.

Кўргонимиздаги дарахтларнинг бирма-бир кўздан кечирарканман, улардан иккитаси қаровсизликдан қовжираб қолганини кўриб кайфиятим бузилди.

— Ҳеч бўлмаса дарахт танасига қурт-қумурсқа тушмаслиги учун уларни оқлаб қўйсаларинг бўлардику, — дедим замзама қилиб.

Набирам айбдорлардек бўйнини эгди.

Шу куни бобо ва набира кечгача тиним билмадик. Беҳзод қўлига кетмон олиб дарахтларнинг тагини юмшатди, қондириб суғорди. Мен эса уларга шакл бериб тартибга келтирдим. Кечга бориб қарасак, қаровсиз дарахтларга жон киргандек бўлди, ҳовлимизга ҳам файз кирди-қўйди. Буни кўрган келинлар, набиралар (мен йўғимда дарахтларга эътибор қилмаганларидан уялинқираб) мени алқаб:

— Бобо, барибир сизнинг файзингиз бўлакчада, — дейишди. Шунда улар орасидан кимдир «Қариси бор уйнинг, париси бор» деб бекорга айтмаганларда деб қўйди.

## АДАСИ, БИЗНИ КЕЧИРИНГ

Қадрдонларимиздан бири бизга бир ҳаётий воқеани айтиб берди. Унинг ёш оилалар учун ибратли томонларини ўйлаб, шундайлигича қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

Ҳаммаси совға жанжалидан бошланди. Туғилган кунимни нишонлашда барча дўстларим қатори келинимизнинг дугоналаридан Назира, Вазира, Нафисалар ҳам қатнашди. Одатда таваллуд кунларида таклиф этилган хонадонга қуруқ қўл билан келиб бўлмайди. Топган гул келтирар, топмаган бир боғ пиёз деганларидек келинимизнинг дугоналари ҳам ўзига хос совғалар билан келишди.

Шу куни анча вақтгача хонадонимиздан кулги аримади. Ўйнадик, кулдик, қўшиқ айтдик. Жуфт-жуфт бўлиб ўйинга тушдик. Хуллас, кунимиз кўнгилли ва мароқли ўтди. Алла-паллада меҳмонлар ижозат сўраб бирма-бир тарқала бошлади.

Уйда ўзимиз ёлғиз қолгач хотиним менинг қариндош-уруғларим, дўстларим олиб келган совға-саломлар қолиб ўзининг томонидан келган ва дугоналари олиб келган совғаларни кўз-кўз қила бошлади.

— Адам билан ойим сизга бош-оёқ сарпо қилиб келишибди, мана кўринг. Укам зар чопон, синглим соат олиб келибди. Мана бу дугоналарим олиб келган совға. Иккита кўйлак, чет элники, Назира ва Нафисадан. Мана буниси соқол оладиган машинка, Вазирадан.

— Уларнинг қайси бири Назира, Нафиса, Вазира, мен билмасам...

— Ўсмоқчиламай қўя қолинг. Бинойидек «ухаживат» қилиб ўтирдингизку уларга. Наҳот танишиб олмаган бўлсангиз. Айниқса Вазиранинг тепасида гирдикапалак бўлиб юрдингиз.

Бу гапни ҳазилга йўйиб кулиб қўйдим.

— Ҳа энди дугоналарингиз зерикмасин дегандирман-да.

Чарчаган эканмиз шекилли, совғаларни бир четда қолдириб уйқуга кетдик. Ярим кечада телефон тўсатдан жиринглаб қолди. Бориб гўшакни кўтарсам ундан аёл кишининг овози эшитилди.

— Ботир ака, кечирасиз, мен Вазираман. Боя ўтирган жойимда бармоғимни қисганидан узугимни ечиб столга қўйган эдим. Зарифахондан сўранг, дастурхонни йиғиштирганда кўрмабдими?

Хотиним уйқусираб ёстиқдан бош кўтарди.

— Ким билан гаплашяпсиз?

— Вазира билан.

— Вой нега ярим кечада Вазира билан гаплашасиз?

— Дастурхон устида узуги қолиб кетибди.

— Қаранги, дастурхонни йиғиштирмагандим. Балки устида тургандир.

Дарҳол меҳмонхонага чопдим. Қарасам узук чиндан ҳам қолиб кетган экан.

— Вазира, узугингиз топилди, — дедим гўшакни қўлимга олиб.

— Раҳмат, Ботир ака. Сиздан энди битта ош қарз бўлдимда. Қачон қилиб берай?

— Ҳа, энди ош бўлса бир кун ермиз, — дедим гўшакни қўйиб.

— Нима гап, нима бало, бир кўришнинг ўзида дарров ош ейишга тушиб қолдинглар.

Хотин киши шунақа майда гап бўлади. Индамай уйқуга кетдим.

Эрталаб турсам совға қилинган машинка стол устида турган экан, қўлимга олиб токка уладимда соқол ола бошладим. Хотиним уч-тўрт марта бир машинкага, бир менга синчков қараб қўйди.

Энди нонуштага ўтирган эдик, эшик қўнғироғи жиринглади. Маликаи дилозорни уринтирмай қўя қолай деган мақсадда чаққон бориб эшикни очсам, рўпарамда Вазира турибди.

— Вой Ботир ака, раҳмат. Узук ўлгурни йўқотиб қўйдимми деб қанча қуйиб-пишдима. Зари уйдами?

Ичкаридан хотинимнинг овози эшитилди.

— Ҳа, кетиб қолди деб ўйловмидинг, уйдаман, келавер.

Вазира шўх кулиб хотинимни қучди. Узукни қўлига олиб қувонганидан кетар чоғида яна бир бор «раҳмат» дея қўлимни қисди. Хотиним ўғри қараш қилди.

Эртасига яна машинкани ишга солдим.

— Ҳой, мена қаранг, кун ора соқол оладиган одам, нега энди ҳар куни соқол қиртишлайдиган одат чиқардингиз. Нима бало, машинка ёқиб қолдими ёки уни ҳадя қилган одамми?

Хотинимнинг ҳар куни писиллатиб ўқ отиши жонимга тегибди шекилли,бу сафар унга қаттиқ-қуруқ гапириб юбордим. Шу баҳона сан-манга бориб қолдик. Яхши ҳамки, орадан кўп ўтмай Вазиранинг эри узоқ вилоятлардан бирига қандайдир ишга тайинландию, улар тезда ўша ёққа кўчиб кетишди. Бўлмаса хотинимда пайдо бўлган шубҳа-гумонларнинг охири нима билан тугарди, билмайман.

Барибир эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг куриши эканда.

— Адаси бизни кечиринг, бекорга сизни хафа қилиб қўйдик, — деб қолди хотиним орадан икки кун ўтар-ўтмай.

Индамадим. Жавоб ўрнига секин бориб унинг елкасидан қучиб қўйдим.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

# ТАБИИЙ ОФАТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ХУЛОСАЛАР

**Юздан зиёд мамлакатларда миллионлаб кишилар ўз ҳаёти давомида камида бир марта зилзилага, циклонга, сув босишига ёки қурғоқчиликка дучор бўлиши хавфи остида яшаганлар, агар ривожланаётган мамлакатлар уларни бошқарат қилиш ва табиий офатлардан келадиган хавф-хатарни камайтириш бўйича кўпроқ иш қилишганида миллионлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўларди, дейилади БМТнинг янги маърузасида.**

БМТ экспертларининг таъкидлашича, БМТ ривожланиш дастури раҳбарлигида жаҳон эътироф этган мутахассислар жамоаси томонидан — Redusing Disaster Risk: A Challeng for Development ("Офатлар хавфини камайтириш: Ривожланишга даъват") мавзуидаги маъруза гирифторлик, хавф-хатар борасидаги глобал тамойиллар бўйича шу пайтгача эълон қилинган тадқиқотлар орасида энг кенг кўламлисидир.

Сўнгги йигирма йил давомида зилзила, вулқон отилиши, тропик бўронлар, қурғоқчилик ва бошқа "табиий офатлар" оқибатида 1,5 миллион киши ҳалок бўлди, бироқ тайёргарчилик яхшироқ бўлганида уларнинг кўпчилигининг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин эди, дейилади тадқиқотда.

Тадқиқот мамлакатлар ҳукуматларини офатлар хавфининг чуқурлиги ва кўламини яхшироқ тушунишга, мавжуд хавф-хатарларни қонунчилик тартиботига киритишга ҳамда хавф-хатарни баҳолашни ривожлантиришни режалаштиришга киритишга даъват этади.

Сўнгги йигирма йил ичида табиий офат туфайли ўлимнинг жон бошига энг юқори кўрсаткичи Корея Халқ Демократик Республикасига тўғри келади (бир миллион аҳолига 606 киши), сўнг Мозамбик (338), Арманистон (324), Судан (275) ва Эфиопия (173) келади, дейилади маърузада.

**Мурод ИЛҲОМОВ,**
**Тошкент молия институти ўқитувчиси.**
**Фарҳод УМАРОВ,**
**Зокир АБДУЛЛАЕВ,**
**шу институт талабалари.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-509. 1 2 3 4 6